



## HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLISH: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Арзиқулова Хуршида Акабаралиевна

*Самарқанд давлат чет тиллар институти  
мустақил изланувчиси*

### XVII АСР ФРАНЦУЗ ДРАМАТУРГИЯСИ, КЛАССИЦИЗМ ДАВРИ АДАБИЁТИ

**Аннотация:** Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор”<sup>1</sup> даражасида юксалиб, миллий адабиётимизда жаҳон адабиёти бадий тажрибалари билан бўйлаша оладиган асарлар таҳлили ва тадқиқига катта аҳамият берилди бошланди. Уларга хос муштарак ва индивидуал жиҳатларни ёритишга қизиқиш кучайди. Шу нуқтаи назардан қараганда жаҳон ва миллий адабиётимизда бадий асарларнинг жанр хусусиятлари алоҳида эътиборни тортади.

**Калит сўзлар:** классицизм, санъат, трагедия, комедия, трагедия, драматургия, мажмуа, асарлар.

Классицизм ўтган асрнинг муҳим санъат йўналишларидан бири саналади. Асарлар давомида классицизм кўплаб авлод вакиллари ижод намуналарида ўз аксини топган. Корнель, Расин, Мильтон, Вольтер, Мари-Жозеф Шенье трагедияси, Мольер комедияси, Люлл мусиқаси, Малерба, Лафонтен, Опиц, Флеминга шеърляти, Версал хиёбони ва қурилиш мажмуалари ҳамда Пуссен яратган картиналари инсониятнинг бадий ривожига чуқир из қолдирган. XVII асрда классицизм йўналиши шоирлар ва ёзувчилар, рассомлар

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 август.



ва муסיқашунослар, меъморлар, ҳайкалтарошлар ва актёрлар гуруҳларини дунёга танитди.

Классицизм ўз парвозини XVI асрдан бошлаб, XVII асрда тўлиқ ҳукумронлик қилди ва дадил, сабот билан XVIII аср ва XIX асрнинг бошига қадар ўз ўрнини йўқотмади. Тарихнинг ўзи кўрсатадики классицизмнинг бадий тузилиш анъаналари, унинг асосида ётувчи олам концепцияси ва инсон шахси, одоб-ахлоқ кабилар, классицизмнинг асосий қодаларидан ҳисобланади. Бу қоидалар классицизм йўналишининг бир неча аср ҳукумронлик қилишига яшовчанлигига сабаб бўлди.

Адабий асарлар шеърлар, песалар, танқидий асарлар яратиш зодагонлар учун зарур деб қарала бошланди, санъат ижтимоий тараққиёт воситаси бўлиб хизмат қилди. XVII аср ўрталарида Францияда 2200 га яқин муаллифлар (асосан зодагонлар ва қоҳинлар) адабий жараёнда иш олиб борганлар. Китобхонлар аудиторияси эса бир неча ўн минглаб одамлар эди<sup>2</sup>.

Ҳеч бир тортишувларсиз классицизм бир-бирига айнан ўхшаш вазиятларни ўзида мужассамлаштирган. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам исонга хос маданият, унинг ҳудудига боғлиқ равишда ривожланади. Классицизмнинг уч аср давомида ҳар хил давлатларда Италия, Англия Франция ва Германия адабиёти ва санъатида ўз аксини топгани ва юқори чўққиларга эришганини кўриш мумкин. Классицизм турли давлатларда турлича акс этган, уларнинг миллий ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўсиб борган<sup>3</sup>.

Классицизм XVIII асрда мавжуд бўлган анъаналарни сақлаган ҳолда, яна бир-биридан узоқлашган жиҳатларнинг пайдо бўлганлигини аниқ кўрсатиб берди.

Дунё халқлари орасида етакчи ўринларнинг бирини эгалловчи XVII аср француз драматургияси ва унинг машҳур адиблари ижоди адабиётшунослар эътиборини тортмоқда. Классицизм даври адабиётининг дастлабки драматургия жанрида ёзилган асарларида юқори табақа яни ҳокимият тепасидагиларнинг маънавий емирилиши, унинг вакилларининг ахлоқий тубанлиги акс этгани, кейинчалик яратилган асарларида эса қаҳрамонлари халқпарварлиги турлича бадий талқин этилганлиги сабабли ушбу адабиётга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Тадқиқотчилар, адабиётшунослар классицизм даври адабиётидаги драматургиянинг жанр хусусиятлари трагедия, комедия ва трагикомедия кўринишларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаши ушбу соҳадаги услубий янгиланишлар моҳиятини очиш имконини беради. Француз адабиёти бадий тажрибалари билан бўйлаша оладиган асарлар таҳлили ва тадқиқига катта аҳамият берилди бошланди. Уларга хос муштарак ва индивидуал жиҳатларни ёритишга қизиқиш кучайди. Шу нуқтаи назардан қараганда жаҳон ва миллий

<sup>2</sup> [Alain Viala, Naissance de l'écrivain, - Paris: Minuit, 1985, p.145 and pp. 240-246.](#)

<sup>3</sup> Литературные манифесты западноевропейских классицистов. Под ред. Н. П. Козловой. - М., Изд-во Моск. ун-та, 1980. - 624 с. - С.5.



адабиётимизда бадиий асарларнинг жанр хусусиятлари алоҳида эътиборни тортади. Уларни махсус даврларга хос жанрларини тизим сифатида ўрганиш эса бадиий асар сюжети масаласининг назарий асослари ҳақидаги тушунчаларни бойитишга хизмат қилади. XVII аср француз классицизм даври адабиётини, француз драматургиясининг жанр хусусиятларини, Корнель ва Расин ҳаёти ва ижодини, улар асарлари қаҳрамонларининг ватанга садоқатини, асарлари макони ва замонини, улар ижодининг кейинги авлод ижодкорларига узвий таъсирини кузатиш давомидаги таҳлилларимиз натижалари билан таништиришга ҳаракат қиламиз.

XVII аср француз драматургиясининг жанр хусусиятларини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Француз классицизм адабиётида драматургия жанрининг хусусиятлари, Корнель ижодидаги “Сид”, “Гораций” асарларида тагедиянинг юқори даражага кўтарилиши, унинг ижоди трагикомедия аънанларига хослиги асарларда ўз исботини топган.

Расиннинг “Федра”, “Андромаха” асарларида антик аънаналар билан трагикомедия жанри аънаналари давом этиши кузатишимиз мумкин.

Маълум даврда ижодкорлар томонидан комедияда жанрида Буалонинг сатирик асарлар, Лафонтеннинг масаллар ёзганлигини, трагедияга “юқори” ва комедияга “тубан” жанр каби қарашлари асосланган.

Театр санъатининг бадиий мазмуни, адабиётда тўлиқ ўзини 60-йилларнинг ёш ёзувчилари деб ҳисобловчи ижодкорлар томонидан давом эттирилди. Мольер, Буало, Лафонтен ва Расинлар ўз ижодларини адабий-танқидчиликдан бирданига ўзгартирмасдан бадиий ижод билан ёнма-ён олиб борди. Булар – Мольер пьесалари “Кулгили нозанинлар», «Аёллар учун сабоқ», «Версаль экспромти», Лафонтеннинг “Психеи ва Купидоннинг севгиси” романидан эпизодлар, шеърлар ва масаллар, ёш Буалонинг сатиралари, мактублари ва пародиялари, ниҳоят Расин трагедиялари бўлиши мумкин. Корнель каби бу барча ёзувчилар ҳам санъат аввало томошабинларга “ёқиши керак” ва бир вақтнинг ўзида, уларнинг ҳиссиётлари ва ақлини эгаллай олиши лозим дейди.

“Публицистика”, жуда нозик классик комедиядан унча узоқда эмаслигини тасдиқлайди. Булардан кўринадик, домольеровский комедияни ўрганишга имкон бермайди. Шундай қилиб, Корнель ижодини феъл-атворни тасвирловчи комедиядан бошлаган, публицистик тасвирлашда муаллиф нуқтаи-назаридан жуда кам фойдаланади. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўтмишдошлари билан солиштирганда бир қадам олдиндалиги, четдан қараганда асарларининг қизиқарли сюжети, бошқа томондан кўполроқ комик таъсири ва яна у биринчилардан бўлиб ижтимоий томондан комедияга муҳаббат фабуласи аънанасини киритади.

#### Адабиётлар рўйхати

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 август.



<sup>1</sup>Бордонов Ж. Мольер. - М., 1983

<sup>1</sup>Лосев А. Ф. Форма. Стиль. Выражение. М., 1995. – С. - 260-262.

<sup>1</sup>Лосев А. Ф. Форма. Стиль. Выражение. - М., 1995. – С. – 275.

<sup>1</sup>Михайлов А.В. Из истории характера //Михайлов А. В. Языки культуры. -М., 1997. – С. – 59.

<sup>1</sup>Ярхо В. Н. Была ли у древних греков совесть? /К изображению человека в аттической трагедии/ //Античность и современность. - М., 1972. – С. -94.